

УДК: 368.91

*Исматов Ўткир*

*“Олий математика” кафедраси ассистенти  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*Самарканد, Узбекистан*

## **ҲАЁТНИ СУҒУРТАЛАШДА ЯХЛИТЛАНГАН ҲАЁТ МУДДАТИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада инсонларнинг ҳаёт давомийлиги тасодифий миқдор сифатида қаралган бўлиб, яхлитланган ҳаёт муддати ва унинг тақсимоти, ўртача яхлитланган ҳаёт муддати ва унинг сонли характеристикалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Ҳаётни суғурталаш, ҳаёт давомийлиги, яхлитланган ҳаёт муддати, яшаш функцияси, математик қутилиш, дисперсия, тақсимот.

*Исматов Ўткир*

*Ассистент кафедры “Высшей математики”*

*Самаркандский институт экономики и сервиса*

*Самарканд, Узбекистан*

## **ЖИЗНЬ В СТРАХОВАНИИ ЖИЗНИ**

**Аннотация:** В этой статье ожидаемая продолжительность жизни человека рассматривается как случайная величина, и изучаются округленная продолжительность жизни и ее распределение, средняя округленная продолжительность жизни и ее числовые характеристики.

**Ключевые слова:** Страхование жизни, продолжительность жизни, округленная продолжительность жизни, функция выживаемости, математическое ожидание, дисперсия, распределение.

Суғурта - фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг мулк манфаатларини химоя системаси сифатида ҳозирги жамиятнинг зарур элементи ҳисобланади. У ижтимой фаолиятнинг барча турларини

узлуксизлигини ҳамда маълум ҳодисалар натижасида сұғурта ҳолатлари содир бўлганда кишилар ҳаёт даражасини, даромадларини сақлашни таъминлайди. Актуар ҳисоблар - бу статистика фанининг усуллари ва формулаларига, макро ва микроиктисодий кўрсаткичларнинг молиявий-иктисодий таҳлилига асосланган мураккаб математик ҳисоблардир. Актуар ҳисоб - китоблар демографик вазиятга, иқтисодиётнинг ҳолати ва унинг ривожланишининг узоқ муддатли прогнозларига, сиёсий вазиятга ва жамиятнинг тахминларини баҳолашга асосланган. Актуар ҳисобларда эҳтимоллик назарияси кенг қўлланилади. Актуар таҳлил эса сұғурта компаниялари ва банклар фаолиятининг муҳим ва ажralмас қисмига айланган. Ҳозирги вақтда инсонлар ҳаётини сұғурталашда ҳаёт давомийлиги, яхлитланган ҳаёт муддати ва ўртача яхлитланган ҳаёт муддати каби муҳим миқдорлардан фойдаланилади.

Одатда кишилар яшаган йиллар бутун сонлар билан ифодаланади. Сұғурта компаниялари эса ҳаётни сұғурта қилиш шартномаларини бутун ёшдаги йиллар учун тузадилар. Шунинг учун, одатдаги ҳаёт давомийлиги  $T_x$  билан бир қаторда унинг бутун қисмини ифодаловчи  $K_x = [T_x]$  ифодани қараш мумкин. Шундай қилиб, агар масалан,  $T_x = 19$  ёш 6 ойлик = 19.5 ёш бўлса, у ҳолда  $K_x = 19$  ёш.  $K_x$  миқдор яхлитланган (кесилган) қолдиқ ҳаёт давомийлиги деб аталади. Яхлитлаш яқин бутун сонгача эмас, ҳамма вақт ками билан олинади (яъни берилган каср сондан кичик энг яқин бутун сонгача).

#### *Яхлитланган ҳаёт муддати тақсимоти*

$K_x$  тасодифий миқдор фақат бутун қийматларни қабул қиласи, унинг стохастик табиати (еҳтимоллар назариясида қабул қилинганидек) тақсимот функция билан эмас, тақсимот билан, яъни  $P(K_x = k)$ ,  $k = 0, 1, 2, \dots$  эҳтимоллар мажмууси билан характерланади.

$\{K_x = k\}$  ҳодисалар  $\{k \leq T_x < k+1\}$  га тенг қучли бўлгани учун

$$P(K_x = k) = P(k \leq T_x < k+1)$$

тенглик ўринли бўлади.  $P(k \leq T_x < k+1)$  эҳтимол  $T_x$  тасодифий миқдор узлуксизлигига кўра  $P(k < T_x \leq k+1)$  эҳтимолга тенг, у  $|q_x|$  каби белгиланади.  $K_x$  тасодифий миқдорнинг тақсимоти яшаб қолиш функцияси атамаларида қўйидаги кўринишда ифодаланади:

$$P(K_x = k) = \frac{s(x+k) - s(x+k+1)}{s(x)} = \frac{l_{x+k} - l_{x+k+1}}{l_x} = \frac{d_{x+k}}{l_x},$$

бу ерда  $s(x)$  - яшаб қолиш функцияси,  $l_x$  -  $x$  ёшгача яшаган инсонлар сони.

$K_x$  тасодифий миқдорнинг тақсимоти оламдан ўтиш атамаларида эса қўйидаги кўринишда ифодаланади:

$$P(K_x = k) = \exp\left(-\int_x^{x+k} \mu_u du\right) - \exp\left(-\int_x^{x+k+1} \mu_u du\right),$$

бу ерда  $\mu_x$  хаётдан кўз юмиш интенсивлиги.

Яхлитланган хаёт муддати  $K_x$  тақсимот функцияси  $T_x$  хаёт аниқ муддати функция тақсимоти билан етарлича содда боғланган.  $t = n + \tau$  бўлсин, бу ерда  $0 \leq \tau < 1$  (шунинг учун  $n = [t]$ ).

У ҳолда

$$P(K_x \leq t) = P(K_x \leq n) = P(T_x < n+1) = P(T_x < [t]+1).$$

Аввал  $T_x$  қолдиқ вақти ва сугурта назариясини бошлангич тасодифий миқдори  $T$  хаёт давомийлиги қаралган эди. Лекин  $T = T_0$  бўлгани учун у ҳолда, хусусан,  $K_0 = [T]$  яхлитланган хаёт муддати

тақсимоти

$$P(K_0 = k) = s(k) - s(k+1) = \frac{l_k - l_{k+1}}{l_0} = \frac{d_k}{l_0}$$

ёки

$$P(K_0 = k) = \exp\left(-\int_0^k \mu_u du\right) - \exp\left(-\int_0^{k+1} \mu_u du\right)$$

формула бўйича аниқланиши мумкин.  $P(K_0 = k)$  нинг  $k$  га боғланиши тақрибан  $f(k)$  ёрдамида тавсифланиши мумкин, бу ерда  $f(x) = T$  тасодифий миқдор тақсимот зичлиги. Шундай қилиб, оламдан ўтиш эгри чизиги яхлитланган ҳаёт муддати тақсимоти ҳақида ҳам тасаввур беради.

*Ўртача яхлитланган ҳаёт муддати ва унинг дисперсияси*

$K_x$  тасодифий миқдорнинг математик кутилиши ўртача яхлитланган ҳаёт муддати деб аталади ва  $e_x$  деб белгиланади

$$e_x \equiv EK_x.$$

Тасодифий миқдор учун умумий формулага кўра

$$e_x = \sum_{k=1}^{\infty} k P(K_x = k).$$

У ҳолда  $e_x$  яшаб қолиш атамаларида:

$$e_x = EK_x = \frac{1}{s(x)} \sum_{k=1}^{\infty} s(x+k).$$

Шунга ўхшаш  $DK_x$  ни ҳисоблаш учун зарур иккинчи  $E(K_x)^2$  момент учун:

$$E[K_x]^2 = \sum_{k=0}^{\infty} k^2 P(K_x = k) = \frac{1}{s(x)} \sum_{k=1}^{\infty} (2k-1)s(x+k) = \frac{2}{s(x)} \sum_{k=1}^{\infty} ks(x+k) - e_x.$$

Янада қизиқроқ рекуррент формула ўринли

$$e_x = p_x \cdot (1 + e_{x+1}),$$

Ундан ўртача яхлитланган ҳаёт муддатини ва яқин йил давомида оламдан ўтиш эҳтимолини боғловчи қуйидаги муносабат келиб чиқади:

$$q_x = \frac{1 + e_{x+1} - e_x}{1 + e_{x+1}}.$$

Бу муносабатни исботлаш учун аввало

$$e_x \equiv EK_x = \sum_{n=1}^{\infty} P(K_x \geq n) = \sum_{n=1}^{\infty} P(T_x \geq n)$$

еканлигини таъкидлаймиз. Лекин

$$P(T_x \geq n) \equiv_n p_x = p_x \cdot p_{x+1} \cdots p_{x+n-1}.$$

Шунинг учун

$$e_x = p_x \sum_{n=1}^{\infty} p_{x+1} \cdots p_{x+n-1} = p_x \sum_{n=0}^{\infty} p_{x+1} \cdots p_{x+n} = p_x \cdot (1 + \sum_{n=1}^{\infty} p_{x+1} \cdots p_{x+n}).$$

$$\sum_{n=1}^{\infty} p_{x+1} \cdots p_{x+n} \text{ йиғинди } e_{x+1} \text{ га тенг.}$$

Демак,

$$e_x = p_x \cdot (1 + e_{x+1}),$$

бундан:

$$p_x = \frac{e_x}{1 + e_{x+1}}.$$

Бу эса исботланаётган муносабатга тенг кучли.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бауэрс Н., Гербер Х., Джонс Д., Несбитт С., Хикман Дж.. Актуарная математика, М: Янус-К, 2001.Бланд Д. Страхование: принципы и практика (пер. с англ. -М., Финансы и статистика, 1998.
2. Вентцель Е. С. Теория вероятностей. - М.: КНОРУС, 2010.
3. Воронина Н.Л. Англо-русский словарь страховых терминов / Н.Л.Воронина, Л.А.Воронин. - М.: ИРТИСС, 2001
4. Гербер Х. Математика страхования жизни – М.: Мир, 1995.